
ҲИНДИСТОННИНГ “APOLLO HOSPITALS” ХАЛҚАРО ШИФОХОНАЛАР ТАРМОҒИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ФАРҒОНАДА ЗАМОНАВИЙ КЛИНИКА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ. ҲИНДИСТОН КОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ ВИЛОЯТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРИШДИ

Вилоят ҳокимлигида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Иқболжон Эргашев ва Файзулло Қосимов Ҳиндистоннинг “Apollo Hospitals” халқаро шифохоналар тармоғи бошқаруви вакиллари Мадхаван Динеш ва Пунит Мехта билан учрашдилар.

Учрашувда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Хусан Мамажонов, вилоятимиздаги “Marafon Group” холдинг компанияси таркибидаги “Meridian Diagnostic Hospital” ва “ILYASOV” МЧЖ раҳбарлари Нурилло Мамасидиқов ва Фахриддин Илясов ҳам иштирок этишди.

Учрашув давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи чоғида Фарғона шаҳрида Ҳиндистоннинг “Apollo” клиникасини ташкил этиш бўйича берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Мулоқот чоғида “Meridian Diagnostic Hospital” ва “Apollo Hospital” ҳамкорлигида вилоятимизда “Apollo” трансплантология ва онкология клиникасини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини сифатини оширишга қаратилаётган эътибор ва “Apollo Hospital” билан келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳамкорлик йўналишларига тўхталдилар.

Келгуси йилнинг февраль ойида Ҳиндистоннинг Харяна штатида амалга оширилиши режалаштирилаётган ташриф чоғида “Apollo” вакиллари билан учрашув бўлиб ўтиши ҳам маълум қилинди.

Фарғона вилоятига илк мартаба ташриф буюрган “Apollo Hospitals” вакиллари, илиқ қарши олинганликлари учун миннатдорчилик билдириб, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, тиббиёт йўналишида бошқа лойиҳаларда ҳам ҳамкорликка тайёр эканлигини айтиб ўтди.

Мадхаван Динеш “Apollo Hospital” клиникаси фаолияти, аҳолига кунлик хизмат кўрсатиш ҳолати, жарроҳлик амалиётларидан лавҳалар бўйича тақдимот қилиб берди.

Шунингдек, учрашувда “Apollo Hospital” томонидан клиника бошқарувини халқаро стандартларга мос ташкил этиш, “Apollo”нинг малакали мутахассисларини жалб қилган ҳолда маҳаллий ходимларни билим ва кўникмаларини доимий ошириб бориш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувдан сўнг меҳмонлар лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган бино-иншоотларни кўриш учун жойларга йўл олдилар. Куннинг иккинчи қисмида “Apollo Hospital” ҳамда “Marafon Group” холдинг компанияси ўртасида ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш учун меморандум имзоланиши режалаштирилган.

Маълумот ўрнида, “Apollo Hospital” 1983 йилда ташкил этилган бўлиб, Ҳиндистон клиникалари орасида 5-ўринни эгаллайди. Компания дунё бўйлаб жами 12 минг ўринли 71 та клиникага эга, таркибида 150 диагностика маркази, 90 дан ортиқ бирламчи тиббий ёрдам поликлиникалари ва 3400 та дорихона мавжуд.